КПСС МК Пленуми шарафига

Ғўза парваришини давом эттириш билан бирга, йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирланайлик!

1-„Боёвут“ совхози коллективининг 3 минг гектар ердаги пахтани машинада териб олиш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилиб, машина теримига намунали тайёрланайлик!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 165 (1427) | 22 август, шанба, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин

ЎНБЕШМИНГЧИ ҚИЗЛАР ЧАҚИРИҒИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ

Газетамизда Ўнбешмингчи теримчи қизларнинг мурожаати эълон қилинганидан кейин жойларда бу ташаббус қизғин кутиб олинди. Колхоз ва совхозлардаги моҳир теримчилар мавсумда ҳар бири 15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган қизлар ташаббусига қўшилмоқдалар. Йигитлар ҳам таңқидни тўғри топиб, чақириғингизни қабул қиламиз, қизлар кўп пахта теришда сизлар билан, мусобақалашганимиз бўлсин, деб айтмоқдалар. Бундай йигитлар Юқори Чирчиқ районидаги колхозларда ҳам бор. Суратларда: (чапдан) «Ленинизм» колхозининг аъзоларидан, Ўтбосар Шомирзаев, Деҳқонбой Тасимбоев ва «III Интернационал» колхозининг аъзоси Салимбой Эргашев ўртоқлар. Буларнинг ҳар бири қизлар чақириғини қабул қилиб, мавсумда 15 тоннадан пахта теришга сўз беришди.

В. Салов фотоси.

Қалмиғистон АССР Олий Советига Қалмиғистон АССР Министрлар Советига КПСС Қалмиғистон область комитетига

СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Қалмиғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларини, барча меҳнаткашларини катта байрами — қалмиқ халқининг ихтиёрий равишда Россия давлати составига қўшилганлигининг 350 йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Тарихий тажриба шу нарсани яққол кўрсатдики, қалмиқ халқининг Россия давлати составига ўз ихтиёри билан кириш йўли бирдан-бир тўғри йўл бўлди. Бу, қалмиқ халқининг улуғ рус халқи билан маҳкам алоқа боғлаши, улуғ рус халқининг юксак моддий ва маънавий маданиятидан баҳраманд бўлиши учун имконият туғдирди. Рус, қалмиқ халқлари ва Россиядаги бошқа халқлар ўзларининг умумий душмани — чор самодержавиесига ва ажнабий истилочиларга қарши биргаликда олиб борган курраши СССР халқлари ўртасида қардошларча дўстлик муносабатлари ўрнатишга олиб келди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси чор Россиясидаги барча халқларни ва шу жумладан қалмиқ халқини социал ва миллий зулмга абадий хотима берди. Октябрь революцияси барча миллат меҳнаткашларига сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг кенг йўлини очиб берди.

Қалмиғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида ва рус халқи ҳамда Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли социал соҳада туб ўзгаришларни амалга оширдилар. Совет Қалмиғистони қолоқ, кўчманчи чорвачилик ўлкасидан саноати ривожланган ва механикалаштирилган социалистик қишлоқ хўжалигига эга бўлган республикага айланди. Колхоз ва совхоз далаларида минг-минглаб тракторлар, комбайнлар, автомашиналар ишламоқда. Қалмиқ халқи шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Ўтмишда тамомила деярлик саводсиз бўлган қалмиқ халқи зиёлиликда талайгина миқдорда зиёлиларга — ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, инженерлар, адабиёт ва санъат ходимларига эгадир.

Партия XXI съездининг тарихий қарорлари ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари совет халқига экономика ва маданиятни янада кучли суратда юксалтиришнинг буюк истиқболларини очиб беради. Қалмиғистон АССР меҳнаткашлари техникани тараққий эттириш ва илғор технологияни бутун чоралар билан қўлланиш асосида шу етти йилликда меҳнат унумдорлигини янада оширишлари, саноат ишлаб чиқариши ҳажмини икки баравар кўпайтиришлари лозим. Қишлоқ хўжалиги соҳасида етти йилликнинг охирига келганда етиштириладиган ва давлатга сотиладиган гўштни уч баравардан зиёд ва жунни 2,3 баравар кўпайтириш мўлжалланди. Қалмиғистон АССР меҳнаткашлари КПСС XXI съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ҳар томонлама ёрдам беришга интилиб, ажойиб ташаббус кўрсатдилар — етти йиллик планнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сотиш юзасидан белгилаган топшириқларини тўрт йил ичида бажаришга қарор қилдилар.

Қалмиқ халқининг саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, маданият, адабиёт ва санъатни яшнатиш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

Яшасин Қалмиғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин Совет давлати куч-қудратининг манбаи бўлган СССР халқларининг бузилмас дўстлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи — улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида коммунизм галабаси сари олға!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | **ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ** | **КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

Коммунист бошлиқ бригадада

Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ Неъмат Жўраев билан бирга Абдураззоқ ака бошлиқ бўлган бригаданинг пахта даласида бўлдик. Ҳалол меҳнатнинг самараси кўзга ташланиб турибди.

— Бригада аъзолари бу йил 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган,— тушунтира бошлади ҳамроҳим менга.— Мана шу карталар эса янги ўзлаштирилиб пахта майдонига айлантирилган ерлар.

Ҳа, биринчи йил чигит экилган ерларда киши кўзини қувонтирадиган даражада ҳосил тўплаш, ҳар туп ғўзани яшнатиб қўйиш ҳазил гап эмас. Бригада аъзолари ана шунга эришиш учун ёз бўйи ҳалол меҳнат қилганлар. Ҳўв нариги картада культивациянинг сифатини кўздан кечириб юрган бригада бошлиғи Абдураззоқ ака бизнинг олдимизга етиб келди. «Ҳормаш— бор бўлинг»дан сўнг шу пайтгача қилинган ишлар ва бундан кейин амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида бригадир билан суҳбатлашдик. У 25 гектарлик янги ерни очиш учун бригада аъзоларининг олиб борган курашлари, шу кунгача барча майдонлардаги ғўзалар тўрт марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинганлиги, шу кеча-кундузда ҳам айрим карталардаги қолоқ ғўзани суғоришга эътибор кучайтирилганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

— Бу йил асосий майдонларда кетмон ишлатмасдан — фақат техника ёрдамида ғўзани парвариш қиланмиз,— деди у,— Умар Рахматиллаев бу соҳада оғиримизни енгил қилянти. Ҳеч тиниб-тинчимайди азамат. Бригаданинг қайси бир аъзоси билан суҳбатлашманг, ерни кенгайтирамиз, йилдан-йилга ҳосилдорликни оширамиз, дейишади.

С. МЎМИНОВ,
Чиноз районидаги Сталин номли колхоз.

Пахтазорми... ғумайзор?

Колхоз раиси Ўртоқ Баҳисбой Жумабоев бизни ўрта даражада ривожланган деб мақтаган картага бошлади: ўқариқнинг икки томонида ўт шу қадар битибдики, асти қўяберасиз. Ажриқ, шўрага, шўра ғумайга, ғумай эса печакка илашиб кетган. Раис эгат орасига оёқ қўймоқчи бўлди-ю, бироқ бир нарсадан чўчигандай орқасига тисланди.

Раис эҳтиёткорлик билан қадам босарди. Бироқ у ҳеч бир сир бой бермас, йўл-йўлакай ғўзаларининг серҳосиллигини мақтарди. Унинг айтишига қараганда бу йил 450 гектар ернинг ҳар гектаридан 15,6 центнер ўрнига 22 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш кетяпти. Раис ана шу ҳақда оғиз кўпиртириб сўзлар экан, гап орасида ўтган йили план 180 процентга етказиб бажарилганлиги, ҳар гектар ердан 8 ўрнига 15 центнердан ҳосил топширилганлигини ҳам қистириб қўйди. Мана кўрарсиз, дерди у, ҳозир мен сизни бошлаб боратган бригаданинг ғўзалари жуда серҳосил бўляпти.

Шу орада бошоқларидаги дони қизариб уруғбоп бўлиб қолган ғумайзор рўпарасидан чиқиб қолдик. Дафатан буни кўрган киши ем-хашак бригадасининг ғумай ўстирилаётган картаси бўлса керак, деб ўйлайди. Бироқ раснинг айтишига қараганда бу ерлар ўртоқ Алексей Минченко бошлиқ трактор-далачилик бригадасига қарашли экан. Биз ҳайрон бўлиб қолдик.

— Бу пахтазорми ёки ғумайзор?

— Бу нима деганингиз биродар, чинакам пахтазорку!

ЖУМАБОЕВ: Ажабо, бу ерларга чигит экканэдик-ку, ғумай босиб кетибди. Майли, силос плани 200 бўладиган бўлли.

— Ундай бўлса нега ғумай ўстирдиларингиз?

— Биз ўстирганимиз йўқ, ўзи чиқибди, — деб ҳеч бир пинагини бузмасдан жавоб беради раис.

Бу бригадада август ойи бошланиши биланоқ иш тўхтатиб қўйилган: фақатгина суғоришга зўр берилган. Шу туфайли ўт босиб кетган.

Колхознинг ўртоқ Рисбой Салимов бошлиқ бригадасида ҳам керагидан ортиқ сув қуйилганлиги, чеканка сифатсиз ўтказилганлиги туфайли ғўза ғовлаб кетган. Колхоз раиси ҳамда агроном Ўртоқ Юнус Дўйсеновлар эса ҳосилимиз чакки эмас, деб қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдириб юришибди. Уларга 8 тракторнинг бекор ётганлиги, 156 киши ғўза парваришига сафарбар қилинмай қўйганлиги тўғрисида сўз очсангиз гапни бошқа томонга буриб, сизни чалғитмоқчи бўладилар.

Пахта теримига саноқли кунлар қолди. Хотиржамликка барҳам бериб, ғўзани тезда ўтдан тозалаб олиш чоралари кўрилмаса, ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлиши мумкин. Шунда раис қандай баҳонани рўкач қиларкин?!

А. ХОШИМОВ.
Куйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхоз.

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Туркманистон Республикасининг Аму дарё водисидаги жанубий колхозлар Чоржўй областидда биринчи бўлиб янги пахта ҳосилини теришга киришдилар.

Карки районидаги қишлоқ хўжалик артелларида йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан бошланди. Бу районда ғўзаларга кетмонсиз ишлов берилган эди. Бу ерда ҳар гектардан 31 центнердан, ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бу — ўтган йилдагига нисбатан деярлик беш минг тонна кўпдир.

Етти йиллик биринчи йилнинг йиғим-терими кампанияси зўр яплаб чиқариш ғайрати ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида бошланди. Область пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг бўладиган Пленумини меҳнат соҳасида янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар пахта тайёрлаш планини Октябрнинг қирқ икки йиллигигача бажаришга, давлатга 140 минг тонна пахта сотишга сўз бердилар.

„Мирзачўл“ совхозида хотиржамлик

Августнинг ҳал қилувчи сўнгги хафталари қолди. «Мирзачўл» совхозининг бўлимларида ана шу масъулиятли, ҳал қилувчи хафталардан унумли фойдаланилаётирми?

Мана бўлимнинг ўртоқ Салоҳиддин Нурматов бошлиқ биринчи бригадаси. Янгидан ўзлаштирилган катта-катта карталарга бу йил иккинчи марта чигит экилган. Ғўзанинг ривожланиш даражаси айблангудек эмас. Дастлаб ҳосил қилинган кўсаклар етилиб қолган. Ҳар туп ғўзада 8—10 тадан гул ва ёш кўсак ҳосил қилинган.

Афсуски, ана шундан кейин хотиржамлик бошланган. Августга ўтгач, ғўза парвариши аввал сусайтирилиб, сўнг тақа-тақ тўхтатилган. Ғўза белгиланган муддатдан 3—4 кун ўтказиб суғорилган. Натижада ғўза тупининг юқори қисмидаги ҳосил элементларининг бир қисми тўкилиб кетган.

Ўртоқ Содиқ Саидқулов бошлиқ 2-трактор-далачилик бригадасида қизиқ ҳангомаларнинг гувоҳи бўлдик. Аввало шуни айтиш керакки, шу кунларда совхознинг бир бўлими ёки бригадасидан иккинчи бўлими ва бригадасига бориш жуда машаққат экан. Чунки пайкалларнинг бир бошидан ўқариққа қамаб қўйилган кўп миқдордаги сув эгат ораларини ювиб ўтиб, иккинчи бошидан кўчаларга оқиб ётибди.

Дала шийпонининг ёнидаги катта картага бир ҳафта кечикиб сув қўйилган. Бунинг устига суғориш сифатсиз ўтказилган, айрим эгатлар қўллатилган ҳолда, айримлари сув ичмай қолган. Натижада ўрта ҳисобда ҳар гектар ерда 5 центнер ҳосил бўладиган гул ва ёш кўсакчалар тўкилиб кетган. 11 гектарлик иккинчи картанинг эса бир қисми 15 кун кечикиб суғорилгани, шунда ҳам сув қўллатиб қўйилгани сабабли ғўза туплари сарғайиб қуриш даражасига етган, бор ҳосилининг ҳаммасини тўкиб юборган.

Бу ачинарли ҳолга дуч келгач, бригадир ва пахтачиликда 30 йиллик тажрибаси бор, деб мақталган бўлим бошқарувчиси ўртоқ Ҳ. Болтабоевнинг ҳам, совхоз ва район раҳбарларининг ҳам сўзлари бир-бирига тўғри келмай қолди. Айб дам насосга, дам сувчиларга қўйила бошланди.

Шунда, сувчи ва бригадир-ку, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган экан, раҳбарлар қаёқда эди, нега улар қараб туриб, бу жиноятга йўл қўйдилар, деган саволни бердик. Лекин унга жавоб ололмадик. Кейин билсак, умуман совхозда августнинг биринчи кунларидан бошлаб хотиржамлик бошланган, катта ҳам, кичик ҳам ўтакетган масъулиятсизлик кайфиятига берилган экан.

Ҳатто ғўзаси яхши ривожланмаган пайкалларда ҳам на трактор ва на биронта ишчи учрайди. Деярлик барча бўлим ва бригадаларда ғўзани чанқатиш, сувни ҳафта-ўн кунлаб кечикиб қўйиш, бутун бошлиқ карталарни қўллатиб суғориш ва давлатнинг неча минг сўмлаб маблағи сарфланиб, насос билан чиқарилаётган ҳамда камчил бўлган сувни кўча-қўйларга оқизиб нобуд қилиш одат тусига кирган.

МАШИНА: Дод, бу бепарво раҳбарлар дастидан.
СОБИРОВ: Эй, нима деяпсан, бунга сувчилар айбдор.
Н. Меламед чизган расм.

Ўртоқ Тош Ирисбоев бошлиқ бригадада яна ҳам ажойиб манзарага дуч келдик. Бу бригаданинг ғўзалари ривожланиш жиҳатидан анча орқада қолган. Бошқа бўлим ва бригадаларда ҳам ривожи паст ғўзалар бор. Негаки, вақтида етарли культивация қилинмаган, озиқлантирилмаган ва суғорилмаган. Шундай экан, августда культивацияни давом эттириш керак эди.

Аммо бу иш совхоз раҳбарларининг, бўлим ва бригада бошлиқларининг хаёлига ҳам келмаётир.

Ҳақиқий ҳангома совхознинг иккинчи бўлимига ўтмоқчи бўлганимизда бошланди. Шунда Болтабоев ва «Мирзачўл» совхози партия бюросининг секретари Собиров ўртоқлар ўртасида антиқа савол-жавоб бўлиб ўтди.

— Бўлимга шу ердан тўғри ўтиб бўладими?

— Йўқ, орқага қайтиб, 40 километр йўл босиб, Мирзачўл орқали айланиб бориш керак. Чунки йўлларни сув босиб кетган, машиналар ўтолмайди.

— Қачонгача сувни ғўзага қўйиш ўрнига, кўчага оқизасизлар?

— Ғўзани қўллатиб суғормасдан, най усулида қўйсаларингиз бу аҳвол юз бермас эди-ку?

— 32 жойга насос қўйиб не-не машаққат билан чиқарилаётган сувни нима учун нобуд қиласизлар, бу жиноят-ку?

Болтабоев бу саволларга жавоб бермади, ерга қаради. Унинг бу туришдан берилган саволлар бошқа бўлим бошлиқларига ҳам алоқадор, қолаверса бу аҳвол совхоз раҳбарларига яхши маълум, бунинг учун мен қатори сиз ҳам айбли, деган маъно сезилиб турарди.

Йўлда Болтабоев айтганининг худди ўзи бўлди. Ишчиларга қарашли бир неча гектарлик қовун полизидан оқиб чиққан сувдан ҳосил бўлган «кўлга» келиб машиналар ботиб қолди. Ишчиларнинг хусусий қовун-тарвузи чанқамаган, сувсизликдан ҳосили нобуд ҳам бўлмаган, жўякларига зах уриб, палаклари яшнаб турибди. Шундагина биз ғўзаларнинг чанқаб, ҳосил элементларини тўкиб юборганлиги, ҳозир эса эгасизлантирилгани сабабига тўла тушуниб олдик.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ИЙЛ 21 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Гулистон	125,4
Қуйи Чирчиқ	115,3
Юқори Чирчиқ	111,2
Оққўрғон	107,0
Бўка	105,1
Янгийўл	105,0
Бўстонлиқ	101,5
Янгиер шаҳри	100,0
Ўрта Чирчиқ	87,7
Сирдарё	87,2
Қорасув	82,1
Чиноз	77,5
Боёвут	76,0
Бекобод	73,4
Оржоникидзе	69,0
Калинин	66,0
Олмалиқ шаҳри	51,5
Оҳангарон шаҳри	39,2
Пискент	35,8

Иккинчи марта маккажўхори экиш ва ёзги беда экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 21 августгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Иккинчи марта маккажўхори экиш	Беда экишнинг бориши	Райком секретарлари ва райисполком раислари
Оққўрғон	22,9	119,0	Нишонбоев, Камолов
Боёвут	85,6	44,8	Сардоров, Исломов
Бекобод	14,0	6,4	Каримов, Қодиров
Бўстонлиқ	41,2	—	Ладушкин, Асилбеков
Бўка	26,1	—	Ражабов, Қодиров
Юқори Чирчиқ	15,8	3,7	Иброҳимов, Каримов
Гулистон	19,0	16,9	Укубоев, Умаров
Калинин	8,3	—	Мажидов, Носиров
Қуйи Чирчиқ	19,5	39,3	Сотволдиев, Мерганов
Қорасув	105,4	—	Муҳамедов, Убайдуллаева
Оржоникидзе	30,3	—	Тошпўлатова, Носиров
Пискент	43,0	—	Латипов, Магазов
Ўрта Чирчиқ	24,5	32,6	Исамуҳамедов, Бердиев
Янгийўл	17,1	—	Юнусов, Тожиев
Чиноз	21,2	2,6	Акромов, Қирғизбоев
Сирдарё	7,1	1,3	Каримов, Аҳмедов
Оҳангарон шаҳри	—	79,4	Батигин, Лисин

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАЛМИҒИСТОН АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қалмиғистон АССР меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини қайд қилиб ҳамда қалмиқ халқининг Россия давлати составига ихтиёрий равишда кирганлигининг 350 йиллигини нишонлаб **Қалмиғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1959 йил, 21 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАЛМИҒИСТОН АССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришганликлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Уроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин:

1. **Дедов** Федор Ивановичга — Ғарбий район, «Пролетарская победа» колхозининг раиси.

2. **Бембишев** Эрдни Мендериновичга — Ғарбий район, 112-галлачилик совхозининг старший чўпони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1959 йил, 21 август.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туркистон Ҳарбий округининг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан ва кўп йиллик хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг катта бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Совет санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари Виктор Иванович **Смисловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» деган фахрий унвон берилди.

КПСС XXI СЪЕЗДИ НИНГ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ТЕХНИКАНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

ГАГАНОВА—ҒАНИШЕР ЙЎЛИДАН

ДУГОНАЛАР

Мана бу расмга бир қаранг-а! Ёнма-ён турган бу дугоналар тутишган бўлмаса ҳам, улар тутинган опа-сингиллардир. Улар бир-бирлари билан шунчалик аҳил ва иноқларки, кўрсангиз ҳавасингиз келади. Бу икки дугона ягона истак йўлида, доим илғорлар сафидан ўрин олиш мақсадида қўлни-қўлга бериб, самарали меҳнат қилмоқда.

Улар яқинда шундай олижаноб ташаббус билан чиқдиларки, бу ҳақда ҳар қанча ёзсанг ҳам оз...

Бу икки дугона меҳнат қилаётган цех коллективи ойлик ва квартал планларини муттасил равишда ошириб бажариб келаётган бўлса ҳам, айрим машиналар қувватидан тўла фойдаланилмас, бу эса цех умумий кўрсаткичининг янада юқорилашишига тўсқинлик қилар эди.

Валентина Гаганованинг юксак ватанпарварлик ташаббуси ҳақидаги хабарни эшитиб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилиб кетган дугоналар қолоқ машиналарга ўтиб ишлашга қарор қилдилар.

Шундан сўнг ёшлик шижоати барқ уриб турган Шарофат Албекова 8-ва 9-йигирув машинасига ўтиб ишлай бошлади. Аввал бу машинада Рая Валишина бошлиқ Галя Гараинова ва Аня Пушкаревалар меҳнат қилардилар. Улар смена топшириқларини кўпинча бажара олмай, коллектив олдида изза бўлар, аммо ана шу ноқулай аҳволдан қутулиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмас эдилар.

Ёш йигирувчи Шарофат ишни машинани синчиклаб кўздан кечиришдан бошлади. Қараса, машинанинг айрим деталлари жуда ҳам ейилиб кетган, шунинг учун ҳам иш давомида арқоқ тез-тез узилар экан.

Шарофат смена бошланишидан 30—40 минут олдин келиб, машина деталларини яхшилаб мойлаб, хомашёни старли миқдорда келтириб қўябошлади. Орадан кўп ўтмай Шарофат илғорлар сафидан ўрин эгаллади. У чаққон ҳаракат қилиши, машина «касал»ликларини олдиндан бартараф қилиши натижасида смена топшириқларини ошириб бажара бошлади. Август ойининг 15 кунлик топшириғини 143 процент қилиб адо этди.

Унинг дугонаси, комсомол аъзоси Светлана Пошлякова ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

— Светлана бошқараётган ана шу 33-йигирув машинаси, — дейди цех бошлиғи ўртоқ Вертуозова, — «ўгай» машина ҳисобланар эди. Чунки арқоқни тез-тез узар, шунинг учун ҳам уни бошқаришга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермас эди.

Ёш бўлса ҳам тиришқоқлиги, чаққонлиги билан коллективимиз орасида шуҳрат қозониб келаётган Светлана ана шу машинага ўтказишни илтимос қилди. Биз унинг илтимосини қондирдик. Шундан сўнг у ҳам дугонаси Шарофат каби бутун билими ва тажрибасини ишга солиб, машина «ўгай» эмас, гап уни ишлатабилишда экан-лигини аста-секин исбот қила бошлади. Светлана Пошлякова шу кунларда иш соатларидан унумли фойдаланиш, машинанинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик натижасида пландаги 180 килограмм ўрнига ҳар куни 230-240 килограмм арқоқ йигириб бермоқда.

Тошкентдаги каноп йигирув-тўқув фабрикаси йигирув цехининг корхонада биринчи бўлиб Валентина Гаганова ташаббусига қўшилиб, қолоқ машиналарга ўтиб ишлаётган бу икки пешқадам ватанпарвари ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Улар етти йилликнинг биринчи йили топшириғини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига қунигача бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: Шарофат Албекова ва Светлана Пошлякова ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.



«Узбекхиммаш» заводининг коллективи етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Заводнинг илғор ишчиси А. Аблакимов ўзаро мусобақа ғолиблари дан бири. У, шу йилнинг етти ойи ичида 1,5 йиллик топшириқни бажариб қўйди. Суратда: ўртоқ А. Аблакимов иш устида.

О. Левак фотоси.

КПСС МК Пленумини муносиб кутиб олайлик

«КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози клубида ўтказилган очиқ партия йиғилишига коммунист ва партиясиз колхозчилардан 700 га яқин киши тўпланди. Артель правлениесининг раиси ўртоқ Т. Латипов қишлоқ хўжалик ишларининг борыши ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига тайёргарлик кўриш соҳасидаги вазифалар ҳақида доклад қилди.

— Партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш ҳақидаги хабар, — деди докладчи, — далачилик бригадаларида, чорвачилик фермаларида жуда катта қониқиш билан қарши олинди. Биз бу муҳим воқеага муносиб тайёргарлик кўришни ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимиз деб биламиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми совет деҳқонларининг фидокорона меҳнати ва эришган муваффақиятларига якун ясайди. Шунингдек, Пленум Ўзбекистон партия ташкилотининг иши ҳақидаги ҳисоботни эшитади. Шундай экан, ҳар биримиз топширилган ишга масъулиятни тўла сезган ҳолда муносабатда бўлишимиз, ўзбек халқи бу йил мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта етказиб бериш учун олиб бораётган кураш да эришаётган ютуқларни мустаҳкамлашимиз зарур.

Колхозимиз давлат томонидан қилинаётган доимий ғамхўрлик ва кўрсатилаётган катта ёрдам туфайли кейинги олти йил мобайнида пахта майдонини қариб икки баравар кенгайтирди. Бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 43 центнерга етади. Колхозда мақкажўхори етиштиришга катта эътибор берилмоқда ва ундан мўл ҳосил олинаётир. Етти йилликнинг биринчи йили учун пилла, гўшт, жун ва тухум тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат планлари муддатидан илгари бажарилди. Давлатга сут сотиш плани бажарилиш арафасида турибди.

Докладчи хўжалик коллективининг асосий вазифаларини белгилар экан, ғўза парваришини кучайтириш, мўл ҳосил тўплаш учун мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланиш, пахтани машина билан теришга тайёргарлик кўришни тугаллаш масалаларига батафсил тўхталди. Колхозда пахта йиғим-терими август ойининг охирида бошланади. Машина теримига минг гектардан ортиқ ер ажратиб қўйилди. Пахта териш агрегатлари ремонтдан чиқарилди.

Докладчи бир қатор бригадаларда пахта хирмонларини қайтадан суваб чиқиш, ернинг ёрилишига йўл қўймаслик лозимлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Барча ишга ироқли колхозчиларни тўла ҳисобга олиш ва теримчиларнинг мавсумда 10-15 тонна пахта териш юзасидан социалистик мусобақасини ташкил этиш лозим.

Бригада бошлиқлари, механизаторлар, оддий пахтакорлар ва чорвадорлар ўз сўзларида КПСС XXI съезди қарорларини, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун колхоз хўжалигини ривожлантириш учун, Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қўлларидан келган барча чораларни кўраётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

— Колхозимиз аъзолари, — деди бригада бошлиғи ўртоқ Суяров, — КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига мамлакатга илгари ваъда қилинганидек 6 минг тонна ўрнига 10 минг тонна «оқ олтин» бериш мажбуриятини олдилар. Биз ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз. Бизнинг бригадамиз 180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнер ҳосил етиштиради. 13 августгача ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 12 тадан кўсак ҳосил қилинди. Бу эса, бизнинг ҳисобимизча, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ерда 44 центнер ҳосил тўпланди демакдир.

Биз пахта йиғим-теримига яхши тайёргарлик кўрдик. Бригадамизда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Йиғим-терим кунлари ҳаммамиз дала шийпонида ётиб ишлаймиз.

Ўртоқ Суяров ўз сўзининг охирида йиғилиш қатнашчиларини бригада аъзолари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашиб, давлатга пахта сотиш планини ноябрь ойида бажарадилар, деб ишонтирди.

Пахта териш машинасининг механик-тайёрловчиси, ўртоқ Шоҳмонов ўз сўзида 60 гектар ерга қандай қилиб чигит эккани ва ана шу майдондаги ғўзани культивация қилгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Ҳосилни, — деди механизатор, — машина билан тераман. Агрегатимни ишга тахт қилиб қўйдим. Мавсумда камида 85 тонна пахта териш юзасидан берган сўзимнинг устидан чиқиш учун теримнинг дастлабки кунлариданоқ белгиланган нормани ошириб бажараман.

Бешинчи участка бошлангич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тоғаев йиғилиш қатнашчиларига оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни олиб бориш соҳасидаги тажрибаси ҳақида гапириб берди.

— Ташкилотимиз ҳисобида турувчи 13 коммунистнинг ҳаммаси, — деди у, — ҳал қилувчи участкаларда меҳнат қилмоқда. Коммунист ўртоқ Мирсолиев бошчилик қилаётган бригадада оғир аҳвол юз берган эди. Биз кўплашиб бригадага ёрдам бердик. Участкадаги бошқа айрим қолоқ бригадаларни ҳам илғорлар қаторига етказиб олиш чораларини кўраётирмиз. Бунинг учун қишлоқ ўртасида жонли ташкилотчилик иши олиб боришнинг барча форма ва методларидан фойдаланаяпмиз. Дала шийпонларида «Жанговар варақа»лар, «Ҳосил учун» деворий газетаси мунтазам чиқариб турилади. Агитаторлар деярлик ҳар куни колхозчилар билан суҳбатлар ўтказадилар.

Ўртоқ Тоғаев колхоз правлениеси ва партия ташкилотидан далада ишлаётган колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашни, барча дала шийпонларида болалар яслилари ташкил этишни талаб этди.

Комсомол аъзоси Мастура Солиҳова кўп минг килограммчи теримчиларнинг область слётида қатнашган эди. У, слётда бу йил мавсумда ўтган йилдагига қараганда 3 тонна кўп, яъни 17 минг килограмм пахта териш ҳақида сўз берди.

Пахтакорлар сингари колхоз чорвадорлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Пленумига муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар.

Сут соғувчи ўртоқ Ҳасанов ўзига биркитиб қўйилган ҳар бир соғин сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олиш ҳақида сўз берганлиги, олган мажбуриятини бажариш учун курашиб, 1 августгача ҳар бир сигирдан 1785 литрдан сут соғиб олганлиги ҳақида гапириб берди.

Яқинда фермаларга бу йилги мақкажўхори ҳосилидан бостирилган силос келтирила бошлайди. Шунда сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг миқдори янада ошади.

Шунингдек, йиғилишда комплекс бригаданинг бошлиғи Маҳкамов, сувчи Шодиев, колхоз ошпази Эркаев, зоотехник Каракетов, колхозчи Ҳолдорова ўртоқлар ҳам сўзладилар. Улар ғўза парваришини тинмай давом эттириш ва кучайтириш, мавсумда 20 тоннадан пахта теришга ваъда бердилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ С. М. Веселев, район партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Ютуқларни мустаҳкамлаш йўлида

«Облпромсовет»нинг Қорасув районидаги «Промкооператор» артели аъзолари КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг биринчи йили олти ойлик планини муддатидан олдин ортиғи билан бажариб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарган эдилар.

Улар қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида социалистик мусобақани тағин ҳам авж олдириб юбордилар. Цехлараро мусобақада ўртоқ А. Давидов бошлиқ тикув цехи коллективи олдинда бормоқда. Тикувчилар ойлик ва квартал планларни муттасил равишда ошириб бажаяётирлар. Ҳозир улар октябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнти. Чевар тикувчилардан комсомол аъзолари Ш. Азизова, Ф. Ҳамидуллина, Ф. Баранова ва бошқа ўртоқлар ҳозир 1960 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Артель коллективи „район аҳолисига майший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Сергили станциясида ва Қўйлиқ посёлкасида оёқ кийимларни ремонт қиладиган ва янка тартибда буюртмалар қабул қиладиган пунктлар ташкил қилди. Бу пунктлар аҳолига яхши хизмат кўрсатиб турибди.

Артель раиси ўртоқ З. Шарафутдинова бир билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Меҳнатсевар коллективимиз КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга оширишга киришиб, ҳозирги вақтда кустар усулида бажарилаётган иш процессларини механизациялаш ва автоматлашга қарор қилди.

Бу соҳада дастлабки ишларни амалга оширдик. Ҳозир тикувчилик цехидаги кўпчилик иш процесслари механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Бичиш-тикишдан тортиб, то тугма қадашгача бўлган ишлар машиналар зиммасига юклатилди.

Биз учинчи кварталнинг охири, тўртинчи кварталнинг бошларигача пойафзал цехидаги барча ишларни механизациялаштириш учун курашмоқдамиз. Ана шу тадбир амалга оширилгач, пойафзал ишлаб чиқариш ҳозиргига қараганда тахминан беш баравар кўпаяди.

Бундан ташқари, биз шифер ишлаб чиқарадиган цехни қайта қуришга киришдик. Қурилиш ишида артелимизни оталиққа олган Бекобод цемент комбинати коллективи самарали ёрдам бермоқда. Реконструкция қилинган цех ишга туширилгач, кунига 1200—1500 дона шифер тайёрлаш мумкин бўлади.

А. НАБИХУЖАЕВ.

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кўрсаткичларимиз яхши бўлгани билан...

Еттийиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олдирилган ҳозирги кунда ҳар бир киши ана шу умумхалқ ҳаракатига муносиб ҳисса қўшиш учун енг шимариб ишламоқда.

Кўп қатори корхонамиз коллективи ҳам бу ҳаракатга қўшилиб, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш имконини берадиган ички резерв ва имкониятларни ишга солиб, дурустгина муваффақиятларни қўлга киритаётир. Ойлик ва квартал планлари доим ошириб бажариб келинмоқда.

Бироқ, заводимиз бўйича умумий кўрсаткичларимиз қувонарли бўлса ҳам, биз қуювчилар ўз меҳнатимиздан қониқмаётирмиз.

Тўғри, қуюв цехларида тайёрланаётган маҳсулотнинг иккидан олти процентгача бўлган қисми брак қилиниши табиий бир ҳолдир. Лекин биз бу чегарадан анча четга чиқиб кетаётирмиз. Заводимиз бўйича 1958 йилнинг олти ойи мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 354 минг 700 сўмлиги брак қилинган бўлса, бундан 330 минг сўми бизнинг «ҳисса»миз бўлди. Бу йил ҳам аҳвол қувонарли эмас. 1959 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида корхонамиз бўйича бракдан 409 минг 100 сўм зарар кўрилди. Бунинг 396 минг 500 сўмини биз ишлаб чиқарган брак қуйилмалар ташкил қилди.

Хўш, заводимизда брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ой сайин кўпайиб бораётганининг сабаблари нимада?

Гап шундаки, бизда иш процесслари устидан назорат қилиб турадиган на мастер ва на бригадир бор. Директоримиз ўртоқ Шувалов Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарларидан қуюв цехимизга мастер ёки бригадир тайинлашни илтимос қилса, у ердагилар штат йўқ деб жавоб бераётган эмишлар.

Қизиқ, биз 1956—1957 йилларгача 150-200 тонна қўйилма тайёрлар эдик. У вақтда мастеримиз ҳам, бригадиримиз ҳам бор эди. Эндиликда илгаригига қараганда анча кўп металл қўяётган бўлсак ҳам мастер ёки бригадирга штат йўқ эмиш.

Корхонамизда янги-янги машина ва станоклар жорий қилинмоқда. Конвейерлар ишга туширилмоқда. Табиийки, машиналар сони орттач, уларга хизмат кўрсатадиган слесарлар сони ҳам кўпайиб боради. Бироқ, цехимизда бунинг акси бўлмоқда. 1957—1958 йилгача бизда фақат 3 та формовка машинаси мавжуд бўлиб, унга 3 та слесарь хизмат қиларди. Ҳозирда цехимизда конвейер ишга туширилди, тупроқ элайдиган машина, 3 та кўприк крани ўрнатилди, формовка машиналарининг сони 15 га етди. Бироқ слесарлар лоақал бир кишига ҳам кўпаймади. Слесарнинг етишмаслиги сабабли машиналар кўп вақт бекор туриб қолаётир.

Техниклар масаласига келганда ҳам худди юқоридагидек аҳволга тушиб қолдик. Аввалларги 3 та техникка эга эдик, ҳозир бир киши қолди, холос. Техник ўртоқ В. Чанишев ҳам кўпинча отпускага кетган, ёки касал бўлиб қолган мастер ва бригадирлар вазифасини бажариши натижасида бизга етарли ёрдам кўрсатмаётир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, цехимизга янги-янги машиналар ўрнатилди. Лекин уларнинг бункерлари йўқлиги сабабли қуювчилар иш соатларини 50-60 процентини ердан тупроқ олишга сарфламоқдалар.

Юқоридаги камчиликлар қисқа муддат ичида тугатилиб, биз учун мастер ёки бригадир тайинланиб, машина ва станокларга хизмат кўрсатувчи слесарлар старли бўлган тақдирдагина биз-қуювчилар коллектив олдида хижолатбозликдан қутилишимиз мумкин.

У. УСМОНОВ,

Тошкент транспорт машинасозлиги заводи қуюв цехининг ишчиси.

Саккиз ойлик план бажарилди

Оҳангарон шаҳрида йирик «Подземгаз» ва уй-жой қурилишларини олиб бораётган «Ўзбекшахтострой» трести 2-қурилиш бошқармасининг меҳнатсевар коллективи етти йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юборган эди.

Бошқарма бинокорлари ички резерв ва имкониятларни ишга солиб, саккиз ойлик планни муддатидан анча олдин ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу ишчан коллектив қурилиш ишлари таннархини камайтириш, бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарфлаш натижасида ўтган етти ой мобайнида 195 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолди.

Трест коллективи кўплаб янги техника олмоқда. Яқинда ковшаси 0,35 кубометр бўлган 5 та экскаватор, 2 та кучли лебедка, 20 та «ЗИЛ» маркали юк машинаси, 5 та бульдозер, электромотор ва бошқа кўпгина машина ва механизмлар олинди.

А. КУКИЕВ.

Колхозларда илмий лабораториялар

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти республикамиз колхозларида илмий лабораториялар тармоқларини барпо этмоқда. Шундай лабораториялардан бири — агрохимия лабораторияси Наманган область Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхозда ташкил қилинган. Бу ерда тупроқни анализ қилиш, суғоришнинг ернинг шўр босиб кетишига таъсири, ерни ағдармай чуқур ҳайдашнинг фойдаси каби масалалар ўрганилади. Тадқиқотлар натижасида тўпланган материаллар асосида область зоналарида қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг янги агрономия усуллари ишлаб чиқилади.

Институт лабораториялари Марказий Фарғона, Мирзачўл ва Бухоро областининг янги ерларда жойлашган бир қатор колхозларида ҳам ишлаб турибди. Республикамизнинг қишлоқ хўжалиқ илмий ташкилотлари яқин йиллар ичида 30 та колхозда илмий лабораториялар ташкил этишни планлаштирганлар. Лабораторияларида тадқиқот ишларини олиб боришга турли институтлардан 100 дан ортиқ илмий ходим жалб этилади. (ЎзТАГ).



«Ташавтомаш» заводи етти йиллик охирига борио областимиздаги энг йирик корхоналардан бирига айланади. Шу кунларда цех ва участкаларга янги, юқори унумли турли хил асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар ўрнатилмоқда. Жумладан, яқинда автомашина деталларига ишлов берувчи янги поток линияси ишга туширилди. Суратда: янги поток линиясининг умумий кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Оҳангарон чорвадорлари қўй чиликни ривожлантириш билан бирга майин жунли эчкиларни боқиш, кўпайтиришга ҳам эътибор бермоқдалар. Суратда: 1-«Оҳангарон» совхозининг майин жунли эчкилар боқилаётган отари.

В. Салов фотоси.

Бу ферманинг ишидан ўрнак олса арзийди

Колхоз сутчилик фермасининг мудиридан тажрибакор сут соғувчилар тўғрисида сўраган эдик, у дастлаб Сабура Яҳёеванинг номини тилга олди.

— Ёш, ғайратли сут соғувчиларимиздан ҳисобланади, — деди у. — Ҳозир у социалистик мусобақанинг олдинида бормоқда.

Сўнгра ферма мудири бизни сигирхонага таклиф қилди. Озода, кенг ва ёруғ ферма биноси ичига кирар эканмиз, соғин сигирларни қашлаб, авайлаб парвариш қилаётган, елинини ийдираётган сут соғувчиларни кўрдик. Буларнинг ишини завқ билан кузатар эканмиз, боя ферма мудири таърифлаган комсомол қиз ўртоқ Яҳёева билан суҳбатлашмоқчи бўлдик.

Бу камтарин қизнинг сут соғувчилик соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақиқатан ҳам ҳаммани қойил қолдиради. Меҳнатсеварлиги, ўзига берилган топшириқни виждонан бажараётганлиги учун кўпчилик уни қишлоқ Советининг депутати қилиб ҳам сайлади. Сабура кўпчиликнинг ишончини оқлаш учун ҳаракат қилаётганлиги, соғин сигирлардан тобора кўп сут соғиб олиш учун курашаётганлиги тўғрисида камтарлик билан гапириб берди.

Сабура Яҳёеванинг боқимида 12 сигир бор экан. У, сигирлардан 7 ойда пландаги 22420 ўрнига 26381 литр сут соғиб олибди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бош соғин сигирдан 2200 литрдан сут соғиб олишга эришибди.

— Мен илгарилари қандай қилиб сигирлардан шунчалик кўп сут соғиб олиларкан, деб ўйлаб юрардим, — дейди Сабура. — Бунинг ҳеч бир сири йўқ экан, ҳамма гап парваришни ўрнига келтиришда, сигирларга ўз вақтида қараб, озиғи-сувидан хабар олиб турилса, у сутини аямас экан.

Сабуранинг мусобақадоши Зина Назарова ҳам сут соғувчиликда ундан қолишмайди. Зина 14 бош соғин сигирдан 7 ой давомида 23.421 литр сут соғиб олио, топшириқни ортиғи билан бажарди.

Калинин районидаги Хрушчев номли колхоз фермасида шу кунларда иш қизғин. Ферманинг молбоқарлари, сут соғувчилари КПСС Марказий Комитети навбатдаги Пленуми шарафига чорва маҳсулотлари етказиш юзасидан белгиланган план ва мажбуриятларни ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

Колхоз правленияси ҳар йилгидек бу йил ҳам чорва молларига мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш учун ҳаракат қилмоқда. 100 гектар ерга экилган маккажўхори сифатли парвариш қилиниб, ундан юқори ҳосил олинмоқда. Ҳозир колхозда силос бостириш ишлари қизғин давом этаётир. 1800 ўрнига 2000 тонна силос бостириш учун курашилмоқда.

Комсомол-ёшлардан иборат махсус бригада тузилган. Бу бригада аъзолари кўплаб дағал ем-хашак тайёрладилар, беда ўрининг сифатли ўтказилишини таъминламоқдалар. Ҳозиргача беда икки марта ўрилиб, ундан 800 тонна беда ғарамлаб қўйилди.

Колхоз чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришда АҚШ-га етиб олиш тўғрисидаги топшириғини бажариш учун турли резервларни қидириб топмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бу колхоз фермаси кишиларининг ишидан ўрнак олса арзийди.

Талъат КАРИМОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий ходими.

Ҳаваскорлар далада

Янгийўл район Маданият уйи бадиий ҳаваскорлари колхозларга тез-тез чиқиб туришади. Яқинда улар райондаги Сталин номли колхозда бўлиб, колхозчиларга катта концерт қўйиб беришди.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларидан Ф. Исмоилова, Ш. Буаруков, Э. Исроилов ўртоқлар ижро этган халқ ашулалари ва рақслар колхоз аъзоларига жуда манзур бўлди. Колхозчилар марокли концерт учун Маданият уйи ҳаваскорларидан миннатдор бўлдилар.

Э. БОЙМАТОВ.

ТЕАТР

„ОҚ НИЛУФАР“

Бошқа халқлар қаторида ҳинд халқининг ҳам ўз ҳаётини, орзу умидларини, мақсад ва интилишларини, эрк ва адолат учун курашларини акс эттирувчи ажойиб эртак ва ривоятлари, қисса ва достонлари бор. Ҳинд адабиётининг классиги Шудракнинг «Лойдан ясалган аравача» номли драматик эпоси ана шундай асарлардан бири ҳисобланади. Бу асар В. Винников ва Ю. Оспослар томонидан инсценировка қилиниб, мамлакатимиздаги йирик театрлар қаторида республикамиз театрларида ҳам саҳнага қўйилмоқда. Яқинда бу асар (таржимонлар А. Бобожонов ва Р. Ҳамроев) Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрида тамошабинларга кўрсатилди.

Спектакль постановкачиси Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Ҳамроев ва ижрочилар пьесадаги қаҳрамонлар психологияси ва ички кечинмаларини ифода этишга эътибор бериб, олга сурилган юксак инсонпарварлик ғояларининг ифода қилинишига эришганлар. Спектаклда яхшилик ва ёмонлик, ғўзаллик ва хунбинлик, эрк ва тутқунлик, прогрессив ва тубан ғоялар ўртасидаги кураш Чарудатта билан Васантасена орасидаги муҳаббатга боғлиқ ҳолда акс эттирилади.

Спектаклнинг биринчи кўриниши жарчилар (артистлардан Н. Асадуллаев, А. Холиқов)нинг қўзғолончи, чўпон Арьяканинг қўлга туширилганлиги, подшо томонидан зиндонга солиб қўйилгани ҳақидаги шовқин-суронлари билан бошланади. Ҳаётдаги ноҳақлик, зулм ва истибдоднинг нақадар оғирлиги ва уларга қарши курашнинг нақадар жиддийлиги ана шу кичик эпизоддаёқ ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ижтимоий ҳаёт зиддиятлари, ҳаётнинг оддий кишилар учун нақадар мушкул эканлиги Чарудатта билан унинг дўсти Майтрея орасидаги суҳбатда равшан кўринади. Чарудатта «ҳеч қандай банда қочиб қутилолмайдиган дард»га мубтало бўлган. Майтрея ўз дўсти қалбидаги дардни «очлик»дан излайди. Бироқ ҳаётда очликдан ҳам мушкул, таҳқирли дард бор. Чарудатта ибодат пайтида раққоса Васантасенани севиб қолган. У ана шу ҳароратли севги туйғулари билан маст. Бироқ ҳинд одати бўйича раққосалар табақасига никоҳ ўқиш ман қилинган. Раққосалар қонунга кўра ўз иффат ва вужудларини пулга сотишлари керак. Бу машъум одатга бўйсунмаслик одобдан эмас, кимки бунга қарши бораркан, у ҳукмронлар ғазабига учрайди. Чарудатта ҳам ана шундай аҳволга тушади. У, Васантасенанинг ёшлигидан вақтинча фойдаланиш пайига тушган раджа Санастанака (артист М. Орифбоев) — шаҳар бойларидан бири, подшонинг қайин оғаси қаршилигига дуч келади.

Чарудатта ролини ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ғафуров спектаклнинг дастлабки кўринишларида чинакам ошиқ, муҳаббат азобида изтироб чеккан, оқ кўнгилли, одамларга қўлидан келган ёрдамни аямовчи киши сифатида гавдаланади. Чарудатта — Ғафуров Васантасена висолига етиш, у билан бирга ҳаёт кечириш ҳорасини изларкан, ниҳоят раджалар ҳукмронлик қилган бу элдан ўз севгилисини олиб кетишга қарор қилади. Бироқ, бу режа амалга ошмайди. Санастанака — Орифбоев Пушпакаранда боғига келган Васантасенани бўғиб, ҳалажон қилиб ташлаб кетади. Бутун айб Чарудатта устига ағдарилади. У жуда оғир, мушкул аҳволга тушиб қолади. М. Ғафуров бу ўринларда Чарудаттанинг ноҳаклиқ ва зулмга бўлган ғазаб ва нафратларини очиб берса-да, унинг ички кечинмалари, Васантасена фожиасига бўлган муносабатларини ишонарли ифода этолмайди. Артист қиёфасидаги Чарудатта бу даҳшатли воқеаларни чуқур тасаввур эта олмайди. Ваҳоланки, севикли қизнинг ўлдирилиши, бунинг устига Чарудаттанинг қотилликда айбланиши — ижрочида кучли эҳтирос, қаяжонли ҳис-туйғуларни уйғотиши керак эди.

Асарда Майтрея муҳим ўринни эгаллаган персонажлардан бири. У Чарудаттага чин кўнгилдан ёрдам бериш билан бирга ҳаётдаги адолатсизликларни фош этади. Унинг қарашлари чекланган ва у ақида ва эски одатларга қарши кескин кураша олмаса-да, адолат ва ҳақиқат изларди. Республикада хизмат кўрсатган артист Р. Болтаев Майтреянинг бу фазилатларини зўр муваффақият билан очиб беради.

Асарнинг номи билан аталувчи, шаҳарнинг гўзали, оқ нилуфари — Васантасена образини яратиш артист А. Мирзаевадан катта ижодий изланишлар, ўзининг драматик қобилиятини намойиш қилишни талаб этарди. Ижрочида раққоса Васантасена табиатига хос латофат ва назокат, ҳароратли севги ва ақидалар тутқунлигидан қутилиш туйғуларининг ифодаланиши бу ижодий изланишларнинг самарали натижаси сифатида вужудга келган. Васантасена — Мирзаева улкан муҳаббат эгаси бўлиш билан бирга, саховатли, инсонпарвар, раҳмдил ҳинд аёли ҳамдир.

А. Мирзаева ижро этган Васантасена образида баъзи камчиликлар кўзга ташланади. Бу биринчи галда образга хос бўлган юксак истеъдод, раққосалик санъатининг хира бўлиб чиқишидадир: у ашула ҳам айтаверади, ўрни келганда ўйинга ҳам тушаверади. Ижрочи ва режиссёр бу образнинг асосан раққоса эканлигини ҳисобга олиб, рақсларни такомиллаштиришлари керак.

Санастанака М. Орифбоев ижросида эзгин, ноҳаклик ва қотилликнинг тимсоли сифатида гавдаланади. Санастанака—Орифбоев ўз олтинлари билан бегуноҳ одамлар устидан ҳукмрон бўлишга, хотин-қизларни хўрлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай қабиҳ ишларни қилишдан қайтмайди. Шафқатсизлик ва қўполлик, ҳийлагарлик ва лаганбардорлик сингари ярамас хусусиятлар Санастанака образи учун типик хусусиятлардир.

Спектаклда кичик персонажларга алоҳида эътибор берилган. Улар ўз ҳис-туйғулари, жонли характер ва индивидуал хусусиятлари билан киши эътиборини жалб этади. Золимлар зулмидан оҳ чеккан ва барча воқеаларга ҳамиша аралашиб юрувчи ҳаммол (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист З. Қобилов), эрк ва озодлик учун ўз ҳаётини бахш этган чўпон Арьяка (Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Х. Аҳмедов), пок муҳаббат эгалари Маданика (артист Р. Тўраева), Шарвила (артист С. Пўлатов), ўз характерларининг жонлилиги билан киши хотирасида сақланиб қолувчи Вира (артист Ш. Пўлатов), Чандана (артист М. Исроилов), Чарудаттани қатл этиш эпизодида кўринган Семиз ва Ориқ ҳаллодлар (Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Ҳўжаев ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Толипов) ва бошқа образлар асарда кўп ўрин эгалламаса-да, катта маҳорат билан талқин этилган.

Ҳинд музикаси жозибадорлиги, катта таассурот кучи билан эшитувчиларни ўзига мафтун қилади. Бу спектаклга музика ёзган композиторлардан П. Раҳимов ва Ҳ. Раҳимовлар зиммасига асар воқелигига мос, ҳинд миллий музикаси колорити билан суғорилган музика яратишдек масъулиятли вазифа юклаган. Бироқ спектаклда ўрни-ўрни билан қайтарилиб турувчи куйларни ҳисобга олмаганда, бой ҳинд музикаси колорити билан суғорилган ария ва дуэтларни, жозибали оҳангларни топиш қийин.

Юқорида қайд этилган баъзи камчиликлар бартараф этилса, спектакль тамошабинларни улуғ ҳинд халқи ҳаёти билан таништирувчи етук спектакль бўлиб қолиши мумкин.

С. ТУРСУНБОЕВ.

Суратларда: (чапдан) Р. Болтаев — Чарудатта ролларида. Майтрея, А. Мирзаева — Васантасена, М. Ғафуров — Н. Меламед фотолари.

Редакцияга хатлар

Бекобод питомниги нега қаровсиз?

Қишлоқ ва шаҳарларимиз тобора обод, кўкаламзор бўлиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимиз эл-юртимизнинг фаровонлиги йўлида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. 1949 йилда ташкил қилинган Бекобод лесопитомниги ҳам Мирзачўл массивини кўкаламзорлаштириш мақсадида ташкил қилинган хўжаликларнинг бири.

Питомник умумий майдони 220 гектар. Аммо кейинги вақтларда бу майдоннинг кўп қисми турли ташкилот, муассаса, корхоналар томонидан ғайри-расмий равишда фойдаланилиб, питомникнинг йил сайин кенгайишига халақит берилаётир. 7—8 йилдан буён бунга қарашли бўлган ернинг 53 гектаридан Бекобод лесхози қонунсиз равишда фойдаланиб келмоқда. 79 гектар майдон эса аллақандай сабабларга кўра «Главголодностепстрой»нинг ёрдамчи хўжалиги ихтиёрига ўтиб қолибди. 5 гектар ердан Боёвут сув хўжалиги бўлими фойдаланаётир. Қисқаси, Бекобод лесопитомнигига қарашли 220 гектар ердан ҳозир 43 гектари қолди. 177 гектар майдон эса ҳар хил ташкилотлар ихтиёрига ўтиб қолган.

Питомник дейилганда ниҳоятда сердарахт, соя-салқин, шинам бир жой кўз ўнгингизга келади, албатта. Бироқ Бекобод лесопитомниги ундай эмас. Бунда дарахт ва гуллар ўрнига ёввойи ўтлар ўсмоқда, чакалакзорга айланмоқда. Нега бундай? Асосий сабаб шуки, тегишли ташкилотлар лесопитомникнинг ишига жуда ёмон раҳбарлик қилмоқдалар. Питомник бўйича бор-йўғи битта мутахассис — прораб бор, ҳамма ишларни олиб бориш шу прорабга юклатилган.

Аниқроқ қилиб айтганда лесопитомникка мустақил ишлаш ҳуқуқи берилмаган. Бу ерда бирор кишини ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш лозим бўлиб қолса ҳам бошлиқ вазифасини бажарувчи прораб камида икки кун ишни ташлаб қўйиб 37 километр узоқликда жойлашган бошқармага қатнаши зарур. Бунинг устига раҳбарлар лесопитомникка тез-тез келиб турмайдилар. Ишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш учун лозим бўлган тадбирларни белгиламайдилар. Улар кўпинча ўз буйруқлари билан ишга тайинлаган бошлиқ — прорабга ишонмай айрим кишиларнинг ивоси билан кўр-кўрона буйруқлар чиқарадилар. Натижада ўн йил ичида ўндан ортиқ бошлиқ ишдан олинган.

Лесопитомникда Шерматов, Холиқулов, Эшбоев сингари 3—4 чапани бор. Агар келган бошлиқ шу кишилар билан чиқишса, у узоқроқ ишлайди. Борди-ю, бу ишёқмасларнинг мушугинй «пишт» деб қўйса, ундай бошлиқ албатта питомникдан кетишга мажбур.

Ҳозирги кунда ҳам питомникда ҳарҳаша, тўполонлар кўпайиб қолди. Чунки, Шерматовнинг мутлақо меҳнат қилмагани ҳолда ишладим деб қалбаки ҳужжат тузиб маош олаётгани, Холиқуловнинг 0,84 гектар ерда яширинча «деҳқончилик» қилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Бу шахслар ўзларининг айбларини ёпиш учун питомник раҳбарларига ҳужум қилмоқдалар.

«Главголодностепстрой» ташкилоти кадрлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ Алиев бу ерга келиб юқоридаги иш юзасидан текшириш ўтказди. Аммо нима учундир у кўза синдирганни азиз, сув қўтарганни эса гуноҳкор деб, акт тузиб кетди.

Давлат питомник учун ҳар йили 1 миллион сўм пул ажратади. Аммо олинаётган даромад харажатларни қопламаяпти. Агар 220 гектар майдоннинг ҳаммаси питомник ихтиёрига ўтказилиб, ундан унумли фойдаланилса, сарфланаётган харажатларни қоплаш у ёқда турсин, хўжалик жуда катта фойда ҳам кўради. Афсуски, лесопитомникка узоқдан туриб раҳбарлик қилаётган ўртоқлар масаланинг бу тарафига сира аҳамият бермаяптилар.

Биз, лесопитомникда ишловчилар ҳозирги кунда бу ерда ҳукм сураётган ана шундай аҳволдан жуда ташвишга тушиб қолдик. Билмадик, питомник қачон номига яраша ишлар экан?

А. МИРРАҲИМОВ,
лесопитомник прораби.

Пайсалга солмоқдалар

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз 5 та камқувват колхозлардан ташкил этилган эди. Кейинчалик унга қўшни Ильич номли колхоз ҳам қўшилди ва совхозда 6 та бўлим ташкил этилди.

Совхоз хўжалигининг асосий тармоғи пахтачилик ҳисобланади. Ҳосилдорликни ошириш, олинган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан бажариш учун ишчи ва хизматчиларга уларнинг унумли ишлашлари учун барча зарур шароитларни яратиб бериш лозим. Лекин бизда бу соҳада жиддий камчиликлар бор. Хусусан янги кўчиб келаётганларга уй-жой етишмайди.

Тошкент область совхозлар трести 1958 йилда совхозга янги кўчиб келганлар учун 100 та уй-жой қуришни планлаштирди. Бу ишни бажариш «Узсовхозстрой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ихтиёрига топширилди.

Совхоз раҳбарлари 100 та уй-жой қурилармиш, деган гапни эшитиб, севинганларидан юраклари тарс ёрилгудай бўлиб кетди. Совхоз томонидан бинокор-монтажчиларига барча шароитлар яратиб берилди. Афсуски, СМУ раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Муҳаммаджонов) бу муҳим вазифага ўтакетган даражада совуқконлик билан қарадилар. Натижада совхозда қурилиш бўйича белгиланган ойлик ва квартал планлари бажарилмади. Оқибатда йил охирига келганда 100 та уй ўрнига биронта ҳам уй фойдаланишга топширилмади.

Қурилиш-монтаж бошқармасининг раҳбарлари ўз ишлари натижасидан ўзлари уялдиларми ёки бошқа сабабданми, ҳарқалай турли найранг ишлата бошладилар. Улар совхозга битмаган 10 та уйни бирор йўл билан, битган ҳисобига ўтказмоқчи бўлдилар. Аммо уларнинг узун кечаларни тонг оттириб, ўйлаб топган йўллари ҳеч қандай натижа бермади.

Қўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек, СМУ раҳбарлари яқинда Тошкент область ижроия комитетига ва республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, битган ўйларни қабул қилиб олмаётирлар, деган маз-мунда сурбетларча совхоз устидан шикоят ёзиптилар. Аслини олганда шикоятини СМУ раҳбарлари эмас, балки совхоз раҳбарлари ёзиши керак эди.

Трестдаги ўртоқлар СМУ раҳбарларининг бу ишига нима дер эканлар?

Т. ОРИПОВ,
совхоз экономисти.
С. СОЛИЕВ,
совхоз прораби.

Қорасув районидаги 18-мактабда 37 ўқувчидан иборат ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ташкил қилинган. Бу бригада аъзолари «XVIII партсъезд» колхозининг 20 гектар ерига маккажўхори экиб, уни яхши парвариш қилдилар. Улар гектаридан 360 центнердан силосбоп кўкпоя бериш мажбуриятини олган эдилар. Ўқувчилар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилиб, гектаридан 650 — 700 центнердан жўхори поя етиштирдилар. Суратда: звено бошлиғи ўртоқ Х. Омонгелдиев ўқувчилар билан бирга етиштирилган жўхорини кўздан кечирмоқда.

Қ. Аҳмедов фотоси.

Ўқувчилар бригадаларида

Чиноз районидаги Куйбишев номли етти йиллик мактабда тузилган ўқувчилар бригадаси Киров номли колхоздан 15 гектар ер ажратиб олган эди. Улар ана шу майдонга квадрат-уялаб чигит экдилар. Ғўзалар яхши ривожланмоқда. Ҳозир ўрта ҳисобда ҳар туп ғўзада 18-22 тадан бўлиқ кўсак бор. Меҳнатсевар ўқувчилар чеканкани ҳам сифатли ўтказдилар.

Ўқувчилар бригадасининг бошлиғи Х. Исамедов, бригада аъзоларидан С. Мамазияев, С. Агинбоев, Н. Собирова ва Х. Холматовлар ғўза парваришида зўр ғайрат билан ишлаб бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

М. Рамазонов.

* * *

Оққўрғон районидаги 3-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам бу йил меҳнат бригадаси тузган эдилар. Бригада аъзолари Ворошилов номли колхоздан 41 гектар ер ажратиб олиб, пахта етиштирдилар. Ҳозир улар ўстирган ғўзаларни кўрсангиз, қуёнасиз; ҳар туп ғўзада 15-16 тадан бўлиқ кўсак бор.

Яқинда бригада аъзолари чеканкани тугалладилар. Тез кунда улар йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган ҳосилни йиғишга киришадилар. Бу йил ўқувчилар ўзлари ишлаётган 41 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган, улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Х. Тошев.

* * *

Орджоникидзе районидаги 37-мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадаси 25 гектар ердаги пахтадан 40 центнердан ҳосил бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Меҳнатсевар ёшлар кунлик нормани 1,5—2 ҳиссадан бажариб, ғўзани сифатли парвариш қилаётирлар. Колхоз правленияси эса ўқувчиларнинг мазмунли дам олиши учун ҳамма шароитларни яратиб берган.

К. Ортиқов.

Редакция почтасидан

ФРИБГАРЛАР

Комсомол майдонидан шаҳарнинг турли манзилларига пассажир автобуслари қатнайди. Шундай автобуслардан бир нечтаси Чуқурсой саноат моллари бозорига бориб-келиб туради. Лекин бу Чуқурсой йўлларида қатнаётган машиналарнинг хилма-хил «ажойиб» қилиқлари чиқмоқда. Бозорга қатновчи кишиларнинг кўпчилигидан фойдаланган шоферлар ва кондукторлар маршрутни ўзгартириб, пассажирлардан ҳақ олиб, билет бермай, давлат маблағига хиёнат қилиш одатини чиқармоқдалар.

Биз бир мисол келтирамиз. Бу йўлда «ЕЗ—27—57» автобуси ҳам қатнайди. Бу автобуснинг шофери ва кондукторида виждон деган нарсадан асар ҳам қолмаган. 18 августда бўлиб ўтган бир воқеани олиб кўрайлик. Эрта билан соат 10 ларда Қумлоқ — Чуқурсой томонларда турувчи хизматчилар бу автобусга ўтириб ўз хизмат жойларига бориш учун шошилдилар. Автобус Комсомол майдонига бориши керак эди. Кондуктор Хастимом майдонидан ўтгандан кейин «машина Эски Жувалан қайтади» деб эълон қилди. Пассажирлар «нега бундай?», маршрут ўзгарганми?» деб сўраганларида, кондуктор уялмай-нетмай «ҳа, шунақа» деб жавоб берди. Бунинг устига 30 дан ортиқ пассажирлардан кира ҳақи олиб, уларнинг бирортасига ҳам билет бермади. Бундан ташқари йўловчиларга ортиқча пулларни қайтариш ўрнига, уларга автобус абонементини эмас, балки троллейбус билетларини тарқатди.

Пассажирлар Эски Жувада тушиб трамвайга — Комсомол майдонигача пиёда боришга мажбур бўлдилар. Пассажирлардан бир группаси у ердаги диспетчер аёлга «машиналар Эски Жувадан қайтадими?» деб ҳалиги машинанинг номерини айтди. Диспетчер ҳайрон бўлиб «у машина кечикиб юрибди, ахтараяпмиз» деб жавоб берди ва дафтарга алланималарни ёзиб қўйди.

1-автобазанинг директори ўртоқ Ғафуров, шунингдек Комсомол майдонида навбатчилик қилган диспетчер, сизларга «йўқолган» машинанинг «қилиқларидан» бир шингил айтиб ўтдик. У машинанинг шофери Аъзамов, кондуктори эса Қодиров бўлади. Бу икки фрибгар давлат машинасидан ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланмоқда. Улар очиқдан-очиқ муттаҳамлик қилиб, маршрутни ўзгартириб, ўзларининг ифлос чўнтакларини тўлдирмоқдалар. Бу аҳвол қачонгача давом этади? Автобаза дирекцияси ва йўллардаги диспетчер ҳамда контролерлар пассажирлар ғазабини келтираётган бу аҳволга чора кўрадиларми, йўқми?

Бир группа пассажирлар.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Ресторан таомлари ҳақида мулоҳазалар“

Газетамизнинг шу йил 18 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада умумий овқатланишнинг пойтахт марказидаги «Тошкент» ресторанида миллий таомларни тайёрлашда бир қанча камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, овқатларнинг масаллуғи меёрига етказилмай тайёрланиши натижасида овқатлар сифатсиз бўлаётгани, айримлари кундан-кунга қайтариб пиширилаётгани, мева, қовун-тарвуз ғарқ пишган кунларда уларнинг ресторанда топилмаётгани кўрсатилган эди.

«Тошкент» ресторанининг директори ўртоқ Отабековнинг редакцияга хабар қилишича, мақола ресторан ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинган ва танқид тўғри деб топилган.

Таомларни пиширишда камчиликларга йўл қўйган ошпаз Л. Нечаева-га виговор эълон қилинган. Хўрандаларга қўпол муомалада бўлиб, овқатни ўз вақтида етказиб бермаганлари учун официантка Г. Иванова ишдан бўшатилган, Г. Новикова ва Г. Биссарабларга виговор берилган.

Хўрандаларнинг ўсиб бораётган талабини қондириш, уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир неча амалий тадбирлар белгиланган: миллий таомлар тайёрловчи янги ошпазлар олинган, ҳўл мева, қовун-тарвуз ва миллий салатлар сотилмоқда. Ярим фабрикатлар тайёрловчи қўшимча цех ташкил қилинган.

М. Орипов ишдан бўшатилди

Пискент район матлубот жамияти ва унинг правлениеси раиси ўртоқ Ориповнинг ишида юз бериб келган жиддий камчиликлар, совет савдоси қоидаларининг қўпол равишда бузилаётгани тўғрисидаги ишчи-деҳқон мухбирларининг сигналлари газетамиз саҳифаларида бир неча бор босилди. Лекин бу сигналларга юзаки жавоб берилиб, кескин чоралар кўрилмади. Газетамизда бу ҳақда (25 июль сонида) «Яна юлғичлар тўғрисида» деган материал босилди.

Пискент район партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири ўртоқ С. Турсуналиевнинг редакцияга маълум қилишича материал район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Район аҳолисига савдо хизматини яхшилаш юзасидан райком бюроси бир қатор амалий тадбирлар белгилаган.

Райпо правлениесининг раиси М. Орипов ва совет савдоси қоидаларига хилоф иш қилган бошқа бир неча ходим ишдан бўшатилган.

Пойтахтимиз обод бўлмоқда



Суратда: Комсомол майдони ва унга туташиб ўтган Ҳамза кўчаси. М. Турсунхўжаев фотоси:

ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

Ўзбекистон давлат санъат музейи меҳнаткашларнинг бадиий дидини ўстириш, уларнинг тасвирий ва амалий санъатдан билимларини чуқурлаштириш мақсадида турли тадбирлар кўриб туради.

Ҳозир бу ерда дам олиш куни лекторийси ишламоқда. Ўқилаётган лекциялар тингловчиларни машҳур тарихий музейлар ва уларнинг санъат хазиналари билан таништиришга мўлжалланган. «Дрезден галереяси», «Давлат эрмитажи», «Давлат рус музейи» темаларидаги лекциялар зўр қизиқиш билан тингланди. Санъатшунос лекторлар йиғилганларга дунёга машҳур бўлган, нодир экспонатларга эга бўлган музейлар ҳақида батафсил гапириб бердилар.

Август ойи ичида «Давлат Третьяков галереяси», «Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи» деган темаларда бирқанча лекциялар ўтказиш планлаштирилган.

РУМИН КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

Тошкентнинг Карл Маркс кўчасида жойлашган биринчи китоб магазинининг Халқ Демократияси мамлакатлари адабиёти билан савдо қилувчи бўлимида румин халқининг миллий байрамига бағишланган китоб виставкаси ташкил этилди. Бўлимда румин халқининг атоқли ёзувчиларидан Петреску, Думитриу, Поповиче, Садовяну, Георгеу, Драгомир, Георге Фокша ва бошқаларнинг она тилидаги асарлари ва уларнинг рус тилига таржима қилинган намуналари қўйилган. Бу ерда виставкага қўйилган китоблардан сотиб олиш ҳам мумкин.

Н. КАБИРОВ,
А. МАМАЮСУПОВ.

Ўрта Осиёда йирик эксперименталь база

Совет ҳукуматининг қарорига биноан Тошкентда, собиқ виставка территориясида (Чиғатой массивида) СССР қурилиш ва архитектура академиясининг қурилиш ишлари илмий-текшириш институти учун эксперименталь база қурилади. Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган бу эксперименталь база учун 14 гектар ер ажратилди.

Эксперименталь база ҳозирги замон янги лаборатория ускуналари билан жиҳозланади. Айрим тажриба-ишлаб чиқариш процесслари механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Қурилиш соҳасидаги энг муҳим проблемалар устида илмий-текшириш ишлари олиб бориладиган бу база ўзининг катталиги ва энг янги ускуналарга эга бўлиши билан Ўрта Осиёда биринчи тадқиқот маркази ҳисобланади. Эксперименталь базада 22 та комплекс лаборатория ва секторлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. База майдонида темир-бетон конструкциялари, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар тайёрлайдиган полигонлар ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари ҳам барпо этилади. Бу базада олиб бориладиган илмий-текшириш ишлари Ўрта Осиё республикаларида қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал этишга қаратилади. Лабораториялар тадқиқот ишларига бинокор олим, СССР қурилиш ва архитектура академиясининг корреспондент аъзоси А. Ашрабов ва миллий кадрлардан етишиб чиққан техника фанлари кандидатлари раҳбарлик қиладилар.

Ҳозир база қуриладиган жойда ерни текислаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердаги қурилиш ишларини Тошкентда йирик ҳисобланган «Ўзбекэнергострой» трести олиб боради.

Х. ШАРИПОВ.

Олти юз кишилик ётоқхона

Тошкентнинг Шивли бозор массивида алоқа электротехника институти студентлари учун олти юз кишилик ётоқхона биноси қурилиб битказилди. Ётоқхона барча қулайликларга эга. Бу ерда озода тўшак ва оппоқ чойшаблар билан қопланган кроватлар қўйилган хоналардан ташқари ошхона, буфет, 3 та ўқиш зали, кутубхона, 2 та дам олиш хонаси, чизмакашлик заллари ва бир неча овқат қилиш хоналари бор. Ётоқхона ҳовлисида спорт майдончаси ташкил этилган. У зарур спорт асбоб-ускуналари билан таъминланган. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда институтда таълим олаётган йигит ва қизлар истиқомат қила бошлайдилар. Студентлар ўзларига ўзлари хизмат қиладилар.

Қ. АҲМЕРОВ.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

ҚОРАҚАТ

Қорақат республикамизнинг тоғли районларида ўсади. Лекин ёввойи ҳолда кам учрайди. Бу ўсимлик бутасимон ҳолда бўлиб, бўйи 2—3 метргача боради. Қорақат сершохли, йирик панжасимон барғли кўп йиллик ўсимликдир. Ҳар йили май ойида гуллаб, июндан мева туга бошлайди ва сентябрь ойида пишади. Меваси қора тусда, хушбўй, нордан таъмли бўлиб, катталиги 12—13 миллиметрга етади. Ҳосили шода-шода бўлади.

Қорақат жуда серҳосил ўсимлик. У уруғи ва илдизидан кўпаяди. Уруғдан чиққани 10—12 йилда ҳосилга киради. Вегетатив усулида ривожланган қорақатлар эса, анча барвақт ҳосил беради.

Қорақат киши саломатлиги учун фойдали, унинг таркибида жуда кўп витамин «С» бор. Бундан ташқари ундан мураббо, ширин сувлар, конфет ва бошқа кондитер маҳсулотлари тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Қорақат хушбўй, кўркам гулли бўлгани учун уни паркларга, боғ ва томорқаларга экиб кўпайтириш мумкин. Яхши қорақат уруғини областимизнинг Паркент районидан, Нурота тоғ боғирларидан топса бўлади. Уни смородиналарга чатиштириб ҳам яхши нав олиш мумкин.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

РОССИЯЛИК СТУДЕНТЛАР ТОШКЕНТДА

Тошкентдаги «Узгипроавтодор» лойиҳалаш институтида Саратов, Омск, Новосибирск шаҳарларидаги автомобиль йўллари қурилиш институтлари студентлари практика ўтказишмоқда. Практикант студентлар Ўзбекистоннинг барча областларидаги янги қурилаётган йўлларда ишламоқдалар. Бўлажак инженерлар Қадамжой — Шоҳимардон, Ленинск — Андижон, Чимён — Водил каби катта трасса йўлларини съёмка қилишга ёрдамлашаётирлар.

Шу билан улар республика йўл қурилиши бўлимининг ойлик ва квартал планларини ошириб бажаришга ҳам катта ҳисса қўшаётирлар.

Россиялик студентлар ўз мутахассисликлари бўйича пухта назарий билимга эга эканликларини кўрсатмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

Руминия Халқ Республикаси. Суратда: Бухарестдаги Николай Бэлческу бульвари.
Н. Грек фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ

ДЬЕР, 20 август. (ТАСС). Бугун венгер халқи Венгрия Халқ Республикаси Конституциясининг ўн йиллигини нишонламоқда. Дьер шаҳрида бўлиб ўтган оммавий митинг шу кундаги энг муҳим воқеа бўлди. Митингга шаҳар меҳнаткашларидан ва областдаги ишлаб чиқариш кооперативлари деҳқонларидан юз мингга яқин киши тўпланди.

Митингга Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Пенё Фок ва Бела Биску, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг ва Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг аъзолари келдилар.

Иштван Доби митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, венгер халқининг халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида кейинги ўн йил ичида, аввало, шу йилда эришган жуда катта муваффақиятларига тўхталди.

Сўнгра давомли қарсаклар билан кутиб олинган Янош Кадар нутқ сўзлади.

Митинг тамом бўлгандан кейин шаҳар майдонлари ва кўчаларида Дьер шаҳри аҳолисининг ва область меҳнаткашларининг оммавий сайили бўлди.

Африка ва Осиё мамлакатлари саҳройи Кабирда ядро синовлари ўтказилмасин, демоқдалар

НЬЮ-ЙОРК, 20 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатининг биносида Африка ва Осиёдаги 29 мамлакат вакиллари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг кенгаши бўлди. Бу кенгаш Марокаш делегациясининг илтимоси билан чақирилди. Кенгашда Либериянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Ч. Кинг раислик қилди. Кенгаш тамом бўлганидан кейин Ч. Кинг мухбирларга айтдики, Африка ва Осиё давлатларининг вакиллари Франциянинг Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларини ўтказиш ниятида эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Марокаш делегацияси бу масалани Бош Ассамблеянинг XIV сессияси кун тартибига киритишни таклиф қилди.

Кинг айтдики, Африка ва Осиёдаги 11 мамлакат вакилларидан иборат группа тузилди. Бу группанинг вазифаси Франция ҳукуматини ана шу синовларни ўтказишдан воз кечишга ундашдан иборат. Франция синовлар ўтказишдан воз кечмаган тақдирда, бу группа Бош Ассамблеянинг XIV сессиясида қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал этмоғи керак.

Кинг, ядро ва термо-ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масала мажлисда қараб чиқилганлигини ҳам билдирди. Ҳиндистон бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг кун тартибига киритишни таклиф қилган эди.

ҲАВО ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Ватанимизнинг меҳнаткашлари 23 августда СССР Ҳаво флоти кунини нишонлайдилар. 20 августда Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг марказий лекторийсида ўтказилган катта кеча ана шу умумхалқ байрамига бағишланди.

Кечанинг қатнашчилари шуҳрат қозонган авиация қисмларининг жанговар байроқлари билан келган жангчиларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Совет Армияси Марказий музейининг вакили Н. Д. Арсенин ана шу байроқлар тўғрисида, Улуғ Ватан уруши йилларида улар босиб ўтган шонли йўл тўғрисида сўзлаб берди.

Авиация генерал-лейтенанти С. Н. Ромазанов Ватан авиациясининг тарихи ҳақида, совет учувчиларининг оммавий қаҳрамонлиги тўғрисида, авиаторларимизнинг кейинги вақтларда эришган жуда катта муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

Авиация турли авлодларининг вакиллари самимий кутиб олинди. Улар ўз хотиралари ҳақида бир қанча жуда мароқли эпизодларни сўзлаб бердилар. Сўзга чиққанлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор М. И. Сачков, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, хизмат кўрсатган спорт мастери М. П. Чечнева, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори А. И. Колдунов, энг кекса рус учувчиси, СССР да хизмат кўрсатган учувчи-авиатор Б. И. Россинский ва бошқалар бор эди. (ТАСС).

Телевизор экранида

22 АВГУСТДА

19.00. Мактаб болалари учун концерт.

19.30. Киножурнал.

19.40. Сўнгги ахборот.

20.00. Бадиий фильм «Уруш ва тинчлик» (1- серия).

21.40. Румин халқининг миллий байрамига бағишланган эшиттириш.

22.00. СССР халқлари куйларидан концерт.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 32, областда эса 31-33 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туради. Тошкентда 32-34, областда эса 31-36 даража иссиқ бўлади.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг тақдимига мувофиқ, ўртоқ Николай Александрович Дигайни СССР Министри қилиб тайинлади.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

НАЖОТКОР

Беморни даволаб унга сиқатлик бахш қилишдан ҳам шарафли иш борми! Ўлим тўшагида ётган хаста шифобахш қўлидан ўз дардига малҳам топади-да, соғайиб кетади, дунёга қайта туғилгандек бўлади. Ўзи даволаётган беморнинг қаддини кўтарганини кўрган врач эса олам-олам қувончга тўлади.

Шайдуллин ҳам кўплаб беморни даволаб келаётган тажрибали, моҳир врачлардандир.

Шайдуллин 1957 йилдан буён Қорасув район Свердлов номли колхоз шифохонасида бош врач бўлиб ишлайди. У халқ хизматига астойдил бел боғлагани, ўз вазифасини сидқидиллик билан бажараётгани туфайли кўпчиликнинг меҳр ва ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Шайдуллиннинг ташаббуси билан шифохонада рентген кабинети очилди. Бу билан кўплаб беморлар рентгендан ўтиш учун узоқларга қатнашдан қутилдилар. Ҳозир бу рентген кабинети кўпгина қўшни колхозларга ҳам хизмат қилмоқда.

Свердлов номли колхоз шифохонасида медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Бу шифохонага кўшни қишлоқларда яшовчи меҳнаткашлар ҳам маслаҳат олгани келиб турадилар. Колхозчилар хонадонларига бориб намунали медицина хизмати кўрсатаётган шифохона ходимлари аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш ҳақида фойдали суҳбатлар ўтказиб турадилар. Айниқса, дала шийпонларида мунтазам равишда профилактика ва тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда санитария постлари ва дружиналари ташкил қилинган. Шифохонадаги иккита санитария машинаси беморларга хизмат қилмоқда.

Колхоз правлениеси медицина ишларини яхшилашга яқиндан ёрдам бераётир. Яқинда колхоз маблағи ҳисобига шифохона капитал ремонт қилиниб, ички хоналари қайтадан қурилди. Ўринлар сони 2,5 марта кўпайтирилди. Шунингдек, рентген ва физиотерапевтика кабинетлари учун аппаратлар сотиб олинди. Умуман бу ерда намунали медицина хизмати кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилмоқда.

Бу ишларда, шубҳасиз ўртоқ Шайдуллиннинг катта ҳиссаси бор. Шунинг учун ҳам колхоз аъзолари сергайрат, ғамхўр, нажоткор врач Шайдуллиннинг номини зўр ҳурмат билан тилга оладилар.

Я. МОРДУХАЕВ.

Ҳар тўғрида

▲ Антарктикада текшириш ишларини олиб борган совет олимлари шу вақтгача учрамаган ажойиб бир воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Улар бир балиқ ушладилар. Текшириб кўрилганда, унинг қонида қизил қон таначалари йўқлиги аниқланди. Балиқнинг қони оқ экан.

▲ Совет олимлари ҳозирги замон физикасида шу вақтгача учрамаган босимни юзага келтирдилар. Лабораторияларнинг бирида дворлик 5 миллион атмосфера босими ҳосил қилинди.

▲ Юқори частотали тонлар балиқни оддий усулдагига нисбатан 20 баравар тез музлатади. Бунда балиқларнинг озиқ-овқат ва таъм хусусиятлари тўла сақланади. Янги усул мамлакатимизнинг йирик балиқчилик марказларидан бири бўлган Астрахандаги балиқ саноатида кенг қўлланилаётир.

Бугун «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газетасида

Газетанинг биринчи бетида Қалмиқ халқининг Россия давлати составига қўшилганлигининг 350 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми, СССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Қалмиғистон Автоном республикасининг меҳнаткашларига юборган табрик хати эълон қилинган ҳамда мусофақадош Андижон область пахтакорлари маслаҳатларининг қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида хабарлар босилган.

Иккинчи бетда М. Дубинский-нинг «Андижон учрашувлари» ва «Қардош қўшни республикалар»да сарлавҳа остида берилган хабарларни ўқийсиз.

Учинчи бетда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши тўғрисида ва бир қанча бошқа хабарлар ёритилган.

Газетанинг тўртинчи бетида ҳаваскор гудчиларга маслаҳат ва албан артистларининг концерти тўғрисида ҳисобот бор.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Момақалдироқ ва яшин нимадан келиб чиқади?

Калинин район, Сталин номли колхознинг бир группа аъзолари редакциямизга хат ёзишиб, момақалдироқ ва яшиннинг келиб чиқиши сабабларини сўраганлар. Қуйида уларнинг саволларига жавоб берамиз.

Яшин ва момақалдироқ атмосферада бўлиб турадиган физик ҳодисаларнинг энг қувватлиларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, атмосферада ҳар вақт электр зарядларига эга бўлган заррачалар (ионлар) мавжуддир. Улар ҳаво молекуляри ва ҳавода сузиб юрадиган электр зарядли майда заррачалардан иборат.

Бу ионларнинг баъзилари манфий, айримлари эса мусбат электр зарядларига моликдирлар. Мусбат ионларнинг сони манфий ионлардан бирмунча кўпроқ бўлганлиги учун атмосферани электр зарядли бир бўшлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Шундай бўлгач, ерни манфий электр зарядларига эга жисм деб ҳисоблашга тўғри келади. Булутдардаги майда сув томчилари ва муз кристалларида ҳам электр зарядлари ҳар вақт мавжуддир. Атмосферадаги конкрет физик шароитларга қараб, улар мусбат ёки манфий электрли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёмғир томчиларида гоҳ мусбат, гоҳ манфий электр зарядлар мавжуд бўлади. Электр зарядлари, айниқса момақалдироқ булутларида кўп бўлади. Бундай булутлар янгидан пайдо бўлиб кўпаяётгани сари булут билан ер ўртасидаги электр потенциалининг фарқи кучаяболади. Ниҳоят, электр қуввати бир метр масофада бир неча юз минг вольт даражага етгач, мусбат электр зарядлари ҳавони ёриб ўтиб, ердаги манфий электр зарядлари билан туташади. Бу ҳодисани биз яшин деб атаймиз, шу пайтда ҳосил бўладиган қаттиқ товушни момақалдироқ дейилади.

Физика лабораториясида Лейден банкасини электрсизлантириш тажрибаси натижасида яшин пайдо бўлади. Бунда электр учқуни кўринади ва чирсиллаган товуш эшитилади. Ҳақиқий яшин жуда йирик миқёсдаги атмосферада юз бериши ва бирбирларига туташадиган электр зарядларининг фавқулодда катталиги билан сунъий яшиндан фарқ қилади.

Яшин булут билан ер ўртасида бўлганидек, қарама-қарши зарядлик икки катта ёмғир булути ўртасида ҳам бўлиши мумкин.

Яшин кўпинча ер устида баланд кўтарилиб турадиган нарсалар (якка дарахт, баланд иморатлар, завод трубалари ва ҳоказолар)ни уриши мумкин. Унинг зарядидан сақланиш учун баланд иморатларнинг ва яшиноотларнинг тепасига яшин қайтаргич қўйилади.

Яшиннинг икки хил электр зарядларининг тез ва кучли равишда бирбирларига туташувидан келиб чиқиши ҳақидаги маълумот 1752 йилда биринчи марта буюк рус олими М. В. Ломоносов томонидан айтилган эди. Бу кашфиёт «момақалдироқ ва яшин илоҳий бир ҳодиса» деган афсоналарни фош қилди.

Фан ва тажриба ёрдамида момақалдироқ ва яшиннинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди ва улар инсон иродасига бўйсиндирилди.

А. ТОҲИРЖОНОВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VIII да **Паяцлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/VIII да **Равшан ва Зулхумор**, 23/VIII да **Муқимий.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 10·40 минутда **Кочубей**, кундуз 3 дан кенг экранли фильм **Сампо.**

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» — **Дугоналар.**

«ОКТЯБРЬ» — **Дохунда** (ўзбек тилида).

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **Кунларимиз қиссаси**, кундуз соат 3·20 минутда ва кеч 9 да **Кутлуғ қон** (ўзбек тилида), кеч 10·40 минутда **Севги тароналари.**

НАВОИЙ номли (ёзги) — кеч соат 8·40 минутда **Севги тароналари**, кеч 10·20 минутда **Кунларимиз қиссаси.**

«9 МАЙ» — **Фарзандлар** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1 ва 2-залда **Амалга ошмаган орзулар**, 3-залда **Дугоналар**, кеч 11 да **Севги учрашуви.**

«ФЕСТИВАЛЬ» — кенг экранли фильм **Сампо.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 8·45 минутда **Дугоналар**, кеч 10 яримда **Қўшиқларимиз.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Дугоналар**, кундуз соат 4 да **Емирилган қалъа**, кеч 8 ва 10 да **Жодугар.**

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Дугоналар**, 2-залда **Хотин кишининг севгиси.**

«ВАТАН» — **«Комета» матроси.**

Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида

22 ва 23 августда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

катта концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мавлуда Аъзамова, Коммуна Исмонлова, Саид Калонов, Али Хўжаев** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар театр кассасида ҳар куни кундуз соат 3 дан сотилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1959/60 йил МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

22 августда

ДИЛОРОМ

Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий.**

Спектаклда: СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев** қатнашади.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ.

Маяковский ҳаётга шундай кирган эди...

НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

(«Мен ўзим» деган автобиографик повесть асосида ишланган).

Сценарий авторлари — **К. Гогодзе, К. Пипинашвили.**

Режиссёр — **Константин Пипинашвили.**

Бош ролларда: **Р. Челидзе, А. Хорава, Н. Шатерникова**лар қатнашади.

Фильмни «Грузия-фильм» киностудияси 1958 йилда ишлаган.

ҚУРШОВ

НОМЛИ КИНО ПОВЕСТЬ

(**Лайош Надь** новеллалари асосида ишланган)

Сценарий автори — **Имре Бенчик.**

Режиссёр — **Ласло Надаши.**

Оператор — **Иштван Хильдебранд.**

Бош ролларда: **Адам Сиртеш, Янош Гербе, Эльма Буллa**лар қатнашади.

Фильмни Венгриядаги «Будапешт» киностудияси 1958 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 05297. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1662.